



ЎЗБЕКИСТОН — СЕРБИЯ: КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 май куни ташриф билан мамлакатимизга келган Сербия Республикаси ташқи ишлар вазири Марко Журичичи қабул қилди.



Учрашув аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Сербия Президенти Александр Вучичнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни 2025 йил октябрь ойида олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида янада мустаҳкамлаш истиқболлари кўриб чиқилди.

Ҳукуматлар, парламентлар, ишбилармон доиралар даражасидаги мулоқотлар фаоллашгани, гуманитар алмашинув кенгайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Товар айирбошлаш ҳажмининг ошириш, машинасозлик, фармацевтика, кимё sanoati, ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқа кўплаб муҳим тармоқларда кенг кўламли кооперация дастурини тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳамкорликнинг иқтисодий кун тартибининг илгари суриш мақсадида жорий йилда Белград шаҳрида Ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи йиғилишини ўтказишга келишиб олинди.

Уюшган меҳнат миграцияси, маданият ва таълим соҳаларидаги шериклик масалалари кўриб чиқилди.

Томонлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар, бўлажак олий даражадаги учрашувлар режасини муҳокама қилдилар.

ЎЗА

ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИГА АЪЗО БЎЛИШ ЖАРАЁНИНИНГ БОРИШИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши борасида 2025 йилда амалга оширилган ишлар ва ушбу жараёни жадаллаштириш бўйича 2026 йилдаги вазифаларга бағишланган тақдимот билан танишди.

Ўтган йилда Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиш жараёни доирасида кўп ва икки томонлама музокараларда салмоқли натижаларга эришилди.

Хусусан, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши бўйича ишчи гуруҳнинг иккита йиғилиши ўтказилди. Уларда 200 дан ортиқ саволларга жавоблар, 30 дан зиёд ташқи савдога оид ҳужжатлар ЖСТ аъзоларига тақдим этилди.

Шу билан бирга, икки томонлама тадбирлар доирасида 40 дан ортиқ музокаралар раунди олиб бориildi. 2025 йилнинг ўзига 11 та давлат билан музокаралар якунланиб, бундай давлатларнинг умумий сони 33 тага етди.

ЖСТ аъзолари томонидан Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўттиш билан боғлиқ жадал ислохотлар амалга оширилаётгани ижобий эътироф этилмоқда. Хусусан, ўтган йилда 68 та қонунчилик ҳужжати ЖСТ ва халқаро меъёларига уйғунлаштирилди.

Жумладан, ЖСТ қондаларига уйғунлаштириш доирасида интеллектуал мулкни рўйхатга олиш жараёнлари соддалаштирилиб, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чоралари кучайтирилди, экспорт чекловлари бекор қилинди ва шаффоф механизмга эга экспорт божлари жорий этилди, айрим маҳсулотлар учун минимал экспорт нархларини белгилаш амалиёти бекор қилинган таъкидланди.

Шунингдек, савдодаги техник тўсиқларни қисқартириш, санитария ва фитосанитария соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар

доирасида хавф даражаси юқори бўлган маҳсулотларни мажбурий давлат рўйхатидан ўтказишнинг бюрократик тартиби ўрнига сертификатлаштириш жорий этилди, озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги устидан назорат Санитария-эпидемиологик оқсийшталлик ва жамоат саломатлиги кўмитасига ўтказилди ва 14 та озиқ-овқат техник регламенти бекор қилинди, 747 та товар позицияси бўйича мажбурий сертификатлаштириш талаблари тугатилди ва рўйхат 27 фоизга қисқартрилди.

Тақдимотда озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги ва савдонинг ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги янги қонунларни қабул қилиш, санитария, ветеринария ва карантин соҳасига хавфни таҳлил қилиш, кузатувчанлик ҳамда илмий асосланганлик тартиботларини жорий этиш ҳолати кўриб чиқилди.


Давлатимиз раҳбари жорий йилда Ўзбекистоннинг ЖСТга тўлақонли аъзолигини расмийлаштириш бўйича комплекс ишларни шартли тизимли давом эттириш, ЖСТга аъзо бўлиш бўйича икки ва кўп томонлама музокараларни якунлаш ҳамда аъзолиқни расмийлаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

ЎЗА



Президент ташрифидан сўнг

ФАРҒОНА — ШИЖОАТ, ИШТИЁҚ ВА ФАРОВОНЛИК МАСКАНИ



Биз бугун ўтмиш тилсимотлари эмас, балки янги Ўзбекистон тамаддунида кўз очган янги шаҳарлар, унда кўнм топган кишилар ҳаёт тарзи ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Президентимиз шу йил 27-28 апрель кунлари Фарғона вилоятига ташрифида ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, маъсулларга топшириқ ва кўрсатмалар берилди. Мана, ўша ташрифдан кейин бир неча кун ўтди. Лекин ҳамон унинг шуккуҳи

“Дунёнинг етти мўъжизаси” деб танилган шаҳарлар, сайёҳлик марказлари ҳақида жуда кўп эшитганмиз. Улар инсон тасавури ва топқирлигининг ёрқин намуналари, мукаммал меъморчилик ва муҳандислик андозалари асосида қурилгани билан жаҳон ҳамжамиятини ўзига ром этиб келяпти.

диллардан дилларга кўчиб юрибди. Фарғоналиклар ўзаро гурунларда Президентимиз ташрифи, бошланган янги лойиҳалар, умуман, бугунги ютуқ ва келгуси режалар ҳақида сўзлашмоқда. Кимдир мамлакат етакчиси Фарғонага оддий одамлар билан самимий суҳбатлашиб, янги ташаббусларни қўлаб-қувватлаш учун келган деса, бошқаси унинг гапини тўлдириб, бажарилган ишларнинг сарҳисоби ҳақида сўзлай кетади.

▶ Давоми 2-бетда

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ЯНГИ ТАРТИБ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида бюрократияни қисқартириш ва назорат ишлари натижадорлигини ошириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Қурилиш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар аҳоли учун замонавий уй-жойлар, ижтимоий объектлар ва қулай инфратузилма яратишга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, қурилаётган янги уй-жойлар хавфсиз, сифатли, экология ва шаҳарсозлик талабларига тўлиқ жавоб бериши зарур.

Тақдимотда соҳада давлат хизматларини соддалаштириш, рухсат бериш жараёнларида бюрократияни камайтириш, қурилиш объектилари устидан назоратни рақамлаштириш ва инсон омилини қисқартириш бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, ҳозирда қурилишни бошлаш учун рухсат олишда жами 8 та ҳужжат талаб этилади. Бу жараён айрим ҳолларда 3 ойдан 12 ойгача чўзилмоқда. Шу боис, 2 та ҳужжатни талаб қилишни бекор қилиш, яна 2 та ҳужжатни эса рақамли интеграция ҳисобига шакллантириш таклиф этилди. Натижада ариза бериш ва кўриб чиқиш учун кетадиган вақт 7 баробар қисқаради, бюртмачиларнинг ортиқча оворачарчилиги камайди.

Янги тартибга кўра, лойиҳалашга рухсатнома ва архитектура-режалаштириш топшириғи бериш жараёнлари янароҳат ҳужжатга бирлаштирилади. “ShaffofAI” тизими орқали ушбу жараён инсон омилсиз, автоматик тарзда амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Бунинг натижасида 30 иш кунигача давом этадиган жараён тўлиқ автоматлаштирилади.

Лойиҳа-қидирув, қурилиш-пудрат ва экспертиза ташкилотларини лицензиялашда ҳам янги тартиб жорий этилади. Бугунги кунда ариза беришда 3 тадан 30 тагача ҳужжатни илова қилиш талаб этилиб, қарор қабул қилиш 14 иш кунигача чўзилмоқда. Таклиф этилаётган тизимда маълумотлар электрон базалар орқали автоматик текширилади, ҳужжат илова қилиш талаби бекор қилинади. Лицензияни расмийлаштириш муддати 14 иш кундан 5 дақиқача қисқаради, қарор қабул қилиш жараёни 97 фоизга тезлашади.

Қурилиш объектиларини фойдаланишга қабул қилиш жараёни ҳам соддалаштирилади. Ўтган йили бу борада берилган 20 мингдан ортиқ аризалар турли сабаблар билан рад этилган. Камчиликларни бартараф этиш учун бюртмачилар 1 ойдан 3 ойгача вақт сарфламоқда.

Энди давлат объектиларини фойдаланишга қабул қилишда талаб этиладиган ҳужжатлар сони 3 тадан 1 тага қисқартирилади. Техник ҳамда муаллифлик назоратчилари хулосалари, мувофиқлик декларацияси ва бошқа маълумотлар рақамли тизимлар орқали шакллантирилади. Бу эса объектни қабул қилиш муддатини 2 ойдан 15 кунгача қисқартиради.

Шу билан бирга, бинонинг мустаҳкамлиги ва ёнгин хавфсизлигига таъсир қилмайдиган архитектуравий ёки режаларий ўзгаришлар сабаб объектни фойдаланишга қабул қилишнинг рад этиш амалиёти қайта кўриб чиқилди. Бундай ҳолатларда зарур корректуралар киритилиб, объектни қабул қилиш имконияти яратилади.

Тақдимотда қурилиш объектиларини онлайн назорат қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Амалиётда қурилиш объектиларига кузатув камераларини мажбурий ўрнатиш талаби мавжуд эмас. Шу боис, биринчи босқичда қиймати 3 миллиард сўмдан юқори бўлган ижтимоий соҳа объектилари, кўп қаватли уйлар, йирик савдо ва саноат объектилари, меҳмонхона ва туризм мажмуаларига камералар ўрнатиш таклиф этилди.

Бу орқали лойиҳадан ўзбошимчилик билан четга чиқиш ҳолатларини барвақт аниқлаш, қурилиш майдонидаги ишчилар ҳисобини аниқ юритиш, “конверт” усулида маош тўлаш ҳолатларининг олдини олиш, яширин иқтисодиётнинг қисқартириш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш имконияти кенгайди.

Қурилишда техник ва муаллифлик назорати самарадорлигини ошириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. 2025 йилда техник ва муаллифлик назоратчилари объектиларда 42 мингта камчиликни қайд этган бўлса,

инспекторлар кейинчалик яна 250 мингдан зиёд қондабузарликни аниқлаган. Бу айрим ҳолларда назоратчилар фаолияти етарлича самарали ташкил этилмаётганини кўрсатади.

Шу муносабат билан “Шаффоф қурилиш” платформасида техник ва муаллифлик назоратчиларининг реестри ва рейтинг тизимини жорий этиш таклиф қилинди. Уларнинг фаолияти масофадан мониторинг қилинади, иш юритув ҳужжатлари электрон шаклга ўтказилади. Рейтинг кўрсаткичи паст бўлган назоратчилар қайта ўқитишга юборилади, яхши натижа кўрсатганларнинг сертификат муддати узайтирилади.

Қурилиш материаллари сифатини назорат қилишда ҳам таъсирчан механизмлар жорий этилади. Объектга киритилган ҳар бир қурилиш материаллари pazogat.mc.uz платформаси орқали электрон рўйхатга олинади, сифатни тасдиқловчи ҳужжатлар мажбурий равишда тизимга юкланади. Сифатсиз материаллардан фойдаланган қурувчиларга нисбатан маъмурий жавобгарлик белгилан таклиф этилди.

Лаборатория синовлари бўйича ҳам янги ёндашувлар белгиланмоқда. Узоқ ҳудудлардаги қурилиш массивларида синовларни ўз вақтида ўтказиш учун кўчма қурилиш-синов лабораторияларини ташкил этиш таклиф қилинди. Бу объектилар қамровини икки баробар ошириш, синов натижаларини тезкор аниқлаш ва стандарт талабларига риоя этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Тақдимотда ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш масаласи ҳам атрофича кўриб чиқилди. 1 апрель ҳолатига республика бўйича 3 минг 791 та ноқонуний қурилиш объекти аниқланган. Шундан 1 минг 933 таси саноат зоналари ҳудудига тўғри келади. Айрим объектиларда ерга бўлган ҳуқуқ, лойиҳалашга рухсатнома, кенгаш ёки экспертиза хулосалари мавжуд эмаслиги аниқланган.

Бунинг олдини олиш учун ерга оид ҳуқуқ вужудга келган вақтдан бошлаб фуқаролар ва юридик шахсларга қурилиш соҳасидаги қонун талаблари бўйича электрон эслатмалар юбориш, “Онлайн маҳалла” ва “Шаффоф қурилиш” тизимларини интеграция қилиш, қонунчиликдаги объектиларни рухсатномасиз қурганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш таклиф этилди.

Кўп квартирили уй-жой фондини бошқаришда назоратни кучайтириш масаласи муҳокама қилинди.

Қонунчиликда кўп квартирили уйлардаги тўсиқ конструкцияларини ўзбошимчилик билан бузган шахсларга маъмурий чораларни тезкор қўриш механизми етарли эмас. 2023 йилда бундай ҳолатлар 563 та бўлган, 2025 йилда эса 2 минг 484 тага етган.

Айниқса, эксплуатация муддати 50 йилдан ошган уйларда ўзбошимчилик билан реконструкция қилиш хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин. Мамлакатимизда бундай кўп квартирили уйлар 15 минг 270 тани ташкил этади. Шу боис, уларда тоифани ўзгартириш ва реконструкция қилишни чеклаш, тўсиқ конструкцияларни бузганлик учун тўғридан-тўғри жарима қўллаш ваколатини инспекцияга бериш таклиф этилди.

Қадрлар салохиятини ошириш масаласи ҳам эътибор марказида бўлди. Тошкент, Наманган ва Қарши шаҳарларидаги олийгоҳларда Австриянинг Вена ва Италиянинг Сapiенца университетлари билан қўшма таълим дастурларини ташкил этиш, истиқболли кадрларни ривожланган давлатларга стажировкага юбориш ва уларнинг янги билим-қўнимчаларини амалиётга татбиқ этиш бўйича тизим яратиш вазифаси қўйилди.

Президентимиз соҳадаги янгиликлар амалиёт билан узвий боғланган бўлиши зарурлигини таъкидлаб, ҳудудий студиялардаги соҳада фаолият юритаётган тадбиркорларнинг фикрларини тинглади. Таклифларни маъқуллаб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙ РАҲБАРИГА ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хунань провинциясидаги саноат корхонасида юз берган фожиа оқибатида кўплаб инсонлар қурбон бўлгани ва жиддий жароҳат олгани муносабати билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпинга ҳамдардлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари вафот этганларнинг онла аъзолари ва яқинларига сабртоқат ва бардамлик сўзларини йўллаб, жароҳатланганлар тез фурсатда шифо топишини тилади.

ЎЗА



ИННОВАЦИОН ИССИҚХОНАЛАР — ОЗИҚ-ОВҚАТ, ИҚЛИМ ВА ЭНЕРГИЯ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ СТРАТЕГИК ЕЧИМИ

Глобал иқтисодиётда сўнгги йилларда юзага келаётган тенденциялар озиқ-овқат хавфсизлиги масаласини давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлантирмоқда. Иқлим ўзгариши, энергия ресурслари қимматлашуви ҳамда аҳоли сонининг барқарор ўсиши шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласи эндиликда анъанавий ёндашувлар доирасида ҳал этилиши мумкин эмас.

Бу жараёнлар аграр тармоқни технологик жиҳатдан янгиллаш, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришнинг саноат босқичига олиб чиқишни тақозо этмоқда.

Амалдаги “Энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қонун соҳанинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаб, энергия аудити ва энергия менежменти тизимларини жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди.

Президентимизнинг 2025 йил 8 октябрдаги “Иссиқхона хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва экспорт ҳажминини кўпайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони соҳада муҳим ўзгаришларни белгилаб берди. Маъмурий ҳужжатга кўра, иссиқхоналар учун ер, мол-мулк ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 50 фоиз камайтирилди. Мева-сабзот маҳсулотларининг минимал экспорт нархлари бекор қилинди.

▶ Давоми 3-бетда



Нодир ЖУМАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси раиси, иқтисодий фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Эндиликда экспорт нархлари ташқи бозордаги талаб ва таклиф асосида шаклланади. Энергия тежовчи технологияларни жорий этган хўжаликларга қўшимча қўлайликлар яратилиши кўзда тутилган. Тижорат банклари томонидан иссиқхоналарни айланма маблағ билан таъминлаш учун кредитлар ажратиши ва мавжуд кредитлар муддатларини қайта кўриб чиқиш бўйича механизмлар сод-далаштирилган.

Юртимиз шароитида энергия тежамкор иссиқхоналар ташкил этиш масаласи янада долзарб аҳамият касб этамоқда. Яхши аён-ки, киш ва эрта баҳор мавсумларида аҳо-лини сифатли सबзавот ва полиз маҳ-сулотлари билан таъминлаш юқори энергия сарфини талаб қилади. Айни пайтда анъанавий иссиқхо-на хўжаликларидида қўлланилаёт-ган иситиш тизимлари, асосан, табиий газ ва қаттиқ ёқилгига таянган ҳолда ишлайди. Бу эса, бир томондан, ишлаб чи-қариш харажатлари орттишига, иккинчи томондан, атроф-му-хитта салбий таъсир кучайи-шига олиб келмоқда.

Масалан, мавжуд ҳисоб-ки-тобларга кўра, ўртача 600 квадрат метрли иссиқхонаани анъанавий усулда иситиш жараёнида 10 кун мо-байнида юзлаб килограмм микродорида карбонат ангидрид атмосферага чиқари-лади. Бу эса нафақат экологик муаммо, балки келгусида маҳсулотнинг экспорт имкония-тларига ҳам салбий таъсир кўрсатуви омил ҳисобланади. Чунки жаҳон бозоридида тобора “яшил маҳсулот” стандартлари устувор аҳа-мият касб этамоқда.

Шу нуқтан назардан, иссиқхона хўжалик-ларини ривожлантиришда энергия самара-дорлиги масаласи марказий ўринга чиқмоқда. Бугунги кунда иссиқхона бизнесида умумий харажатларнинг қарий бири энергия ресурс-ларига тўғри келиши бу соҳада технологик янгиланишлар зарурлигини янада кучайти-ради. Агар энергия сарфи камайтирилмаса, маҳсулот таннархини пасайтириш, рақобат-бардошликни ошириш ва экспорт ҳажмини кенгайтириш амалда қийинлашади.

Сўнгги йиллардаги дунё амалиёти кўрсатмоқдаки, иссиқхона хўжаликларидида юқори самарадорликка эришишнинг асосий йўли — муқобил энергия технологияларини жорий этиш. Хусусан, ривожланган давлат-ларда иссиқлик насослари технологияси кенг қўлланилаётган инновацион ечим си-фатида эътироф этилмоқда. Мазкур тех-нология анъанавий иситиш тизимларидан тубдан фарқ қилиб, ёқилгини ёқиш орқали эмас, балки атроф-мухитида мавжуд энергия-ни қайта тақсимлаш орқали ишлайди.

Иссиқлик насосларининг асосий устуни-ли уларнинг юқори энергия самарадорлиги билан изоҳланади. Амалий кўрсатмоқдаки, бундай тизимлар 1 киловатт электр энер-гияси сарфлаб, 3-5 киловаттгача иссиқлик энергияси ҳосил қилиш имкониятига эга. Бу кўрсаткич анъанавий электр иситиш тизим-ларига нисбатан бир неча баробар юқори са-марадорлигини аңглатади.

Юртимизда ҳам мазкур технологиялар-ни жорий этишга қаратилган амалий иш-лар бошлаб юборилган. Хусусан, Тошкент шаҳридаги “Технопарк” томонидан таклиф этилаётган инновацион иссиқхона ечимла-ри бу йўналишдаги илк муҳим қадамлардан бири. Ушбу лойиҳалар доирасида иссиқлик насосларига асосланган энергия тежамкор тизимлар ишлаб чиқилиб, амалиётга таъбиқ этилмоқда.

Синов лойиҳалари натижалари мазкур ён-дашувнинг самарадорлигини тасдиқламоқда. Жумладан, 130 ва 260 киловатт қувватга эга иссиқлик насослари орқали олинган амалий кўрсаткичлар тизимнинг барқарор ишлаши-ни ҳамда энергиядан фойдаланиш самара-дорлиги юқори эканини кўрсатди. Бу эса тех-нология фақат назарий эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам ўзини оқлатганини аңглатади.

Шу билан бирга, масалага кенгроқ ён-дашиш талаб этилади. Иссиқлик насослари жорий этилиши фақат энергия тежаш билан чекланиб қолмайди. У маҳсулот таннархини пасайтириш, ишлаб чиқариш барқарорлиги-ни таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш ва экологик хавфсизлигини кучайтириш каби қатор стратегик вазифаларни ҳал этиш имко-нини беради.

Бошқача айтганда, бу технология аграр соҳадаги оддий модернизация эмас, балки тизимли ўзгаришларни аңглатади. У қиш-лоқ хўжалигини анъанавий усуллардан индустриал ва инновацион босқичга олиб чи-қишга хизмат қилади.

Шу боис, инновацион иссиқхоналарни ривожлантириш масаласи нафақат алоҳида хўжаликлар манфаати, балки миллий иқти-содийнинг барқарор ривожланиши, озиқ-овқат хавфсизлиги ва экологик мувозанатни со-далаштирилади.



таъминлаш нуқтани назаридан ҳам стратегик аҳамиятга эга.

Бироқ ҳар қандай технологиянинг самара-дорлиги унинг назарий афзалликлари эмас, балки иқтисодий натижалари билан баҳо-ланади. Шу сабабли иссиқлик насосларига асосланган инновацион иссиқхоналарнинг жорий этилиши қанчаллик мақсадга мувофиқ эканини аниқлаш учун, аввало, харажатлар ва фойда ўртасидаги мутаносибликни чуқур таҳлил қилиш талаб этилади.

Иссиқхона хўжаликларидида харажатлар таркиби таҳлил қилинганди, энергия ресурс-лари асосий улушни эгаллаши маълум бў-лади. Амалда бу кўрсаткич 40-50 фоизгача етиши мумкин. Демак, энергия самарадор-лигини ошириш орқали умумий таннархга таъсир қилиш имконияти жуда катта. Анъ-анавий тизимларда иситиш учун табиий газ ёки кўмирдан фойдаланилиши доимий равишда ўзгарувчан ва кўп ҳолларда ўсиб боруви харажатларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, таъминотдаги узилишлар ишлаб чиқариш жараёнига тўғридан тўғри хавф тугдиради.

Иссиқлик насослари қўлланилган ҳолда эса ушбу муаммолар сезиларли даражада ка-маяди. Бу технология ёқилгига боғлиқлигини бартараф этади ва электр энергияси орқали барқарор ишлаши таъминлайди. Мухими, тизимнинг юқори самарадорлиги туфайли сарфланаётган электр энергияси анъанавий электр иситиш тизимларига нисбатан бир неча баробар юқори са-марадорлигини аңглатади.



“Яшил” тараққиёт

неча баробар кам бўлади. Бу эса эксплуата-ция харажатлари қисқаришига олиб келади. Амалий ҳисоб-китоблар кўрсатмоқдаки, иссиқлик насослари жорий этилган иссиқ-хоналарда иситиш харажатлари умумий ҳи-собида 40-60 фоизгача камайиши мумкин. Бу кўрсаткич, албатта, ҳар бир лойиҳанинг тех-ник параметрлари, иқлим шароити ва бошқа-рув самарадорлигига боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин. Бироқ умумий тенденция — хара-жатларнинг сезиларли қисқариши барқарор равишда кузатилади.

Иқтисодий самарадорлиқни баҳолашда яна бир муҳим омил — инвестициянинг қай-тиш муддатидир. Иссиқлик насослари асоси-даги тизимларни жорий этиш учун дастлабки сармоя анъанавий қозонхоналарга нисбатан юқорироқ бўлиши табиий. Чунки бу ерда юқори технологик ускуналар, автоматлаш-тириш тизимлари ва энергия бошқаруви ечимлари талаб этилади. Бироқ бу фарқ узок муддатда ўзини оқлайди.

Ҳисоб-китобларга кўра, бундай лойиҳаларнинг ўзини оқлаш муд-дати ўртача 2-4 йилни ташкил этади. Бу эса аграр сектор учун нисбатан қисқа давр. Чунки қиш-лоқ хўжалигидаги кўплаб инвести-цияларнинг муддати анча узок — 5-7 йилгача чўзи-лиши мумкин. Демак, иссиқлик насослари қўлланилиши нафақат харажатларни камайтиради, балки инвестицияларнинг самарадорли-гини ҳам оширади.

Шу билан бирга, иқтисодий самара-дорлиқнинг фақат энергия харажатлари орқали баҳолаш тўлиқ тасаввур бермайди. Инновацион иссиқхоналарда ишлаб чиқариш жараёни автоматлаштирилиши, микрои-қлимнинг барқарор таъминланиши ва инсон омили қисқариши натижасида ҳосилдорлик ҳам ошади. Амалийётда бу кўрсаткич 20-25 фоизгача етиши мумкин. Бу эса даромаднинг кўпайишига, шу орқали инвестицияларнинг тезроқ қайтишига хизмат қилади.

Мазкур технологиянинг яна бир муҳим иқтисодий афзаллиги маҳсулот таннархи па-сайишидир. Энергия харажатлари қисқари-ши, ресурслардан самарали фойдаланиш ва ҳосилдорлик ошиши натижасида етиштири-лаётган маҳсулот таннархи анъанавий иссиқ-хоналардагига нисбатан ўртача 25-30 фоиз арзонлашиши мумкин. Бу эса ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш билан бирга ташқи бозорларда рақобатбардошлик-ни оширади.

Экспорт нуқтани назаридан бу омил муҳим аҳамиятга эга. Чунки халқаро бозорларда ра-қобат фақат сифат билан эмас, балки нарх ор-қали ҳам белгиланади. Агар маҳсулот арзон ва бир вақтнинг ўзида экологик тоза бўлса, унинг экспорт имкониятлари сезиларли дара-жада кенгайди.

Экологик омил бу ерда алоҳида таъкид-лашга лойиқ. Анъанавий иситиш тизимлари-да ёқилги ёқилиши натижасида атмосферага катта микдорда зарарли газлар чиқарилади. Иссиқлик насослари бундай чиқиндиларни деярли ноль даражага туширади. Бу эса на-фақат атроф-мухитни муҳофаза қилиш, бал-ки халқаро экологик стандартларга жавоб бериш нуқтани назаридан ҳам муҳимдир.

Бугунги кунда кўплаб ривожланган дав-латларда “яшил иқтисодий” тамойиллари асосий устуворликка айланмоқда. Европа

Иттифоқи каби бозорларда маҳсулотнинг “карбон изи”га алоҳида эътибор қаратишмоқ-да. Демак, келгусида экспорт географиясини кенгайтириш учун маҳаллий ишлаб чиқарув-чилар ана шундай талабларга мослашиши шарт. Иссиқлик насослари эса бу йўналиш-даги муҳим инструмент сифатида намоён бўлади.

Мазкур жараёнларнинг давлат сиёсати би-лан уйғунлиги ҳам диққатга сазовор. Сўнгги йилларда юртимизда энергия самарадорли-гини ошириш ва “яшил” технологияларни жорий этишга қаратилган қатор норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, энергия тежамкор технологияларни қўллаёт-ган хўжаликларга солиқ имтиёзлари, субси-дия ва имтиёзли кредитлар ажратиш меха-низмлари жорий этилди.

Шунингдек, иссиқхона хўжаликларини қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган қарор-лар доирасида солиқ юқини камайтириш, экспорт тартибларини либераллаштириш ва молиявий ресурсларга кириш имкониятлари-ни кенгайтириш чоралари белгиланди. Бу эса инновацион технологияларни жорий этишни иқтисодий жиҳатдан янада жозибадор қилади.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чо-ралари хусусий сектор учун стратегик йўна-лиш кўрсаткичи вазифасини ўтайди. Бу эса энергия самарадорлигига асосланган ишлаб чиқариш моделлари келгусида устувор тарзда ривожлантирилишини аңглатади. Шу нуқ-тан назардан, мазкур соҳадаги инвестиция-лар нафақат бугунги шароитда, балки узок муддатли истиқболда ҳам юқори самара бериш салоҳиятига эга.

Шу билан бирга, масалага реал ёндашиш талаб этилади. Ҳар қан-дай технология каби иссиқлик насослари ҳам мутлақ идеал ечим эмас. Уларни жорий этиш жараёнида техник, молиявий ва ташкилий муаммолар юзага ке-лиши мумкин.

Агар иссиқхона конст-рукциясидаги изоляция талаб даражасида бўлмаса ёки уску-на қуввати нотўғри танланган бўлса, қутилган самарадорликка эришиш қийинлашади. Бу эса ай-рим ҳолларда технологиянинг ўзи-га нисбатан нотўғри ҳулосалар чиқари-лишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун инновацион ечимларни жорий этиш-да тизимли ёндашув, мутахассислар иштиро-кида тўғри лойиҳалаш ва сифатли сервис хиз-матлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Умуман олганда, иссиқлик насосларига асосланган иссиқхоналар иқтисодий, эколог-ик ва технологик жиҳатдан самарали ечим сифатида шаклланимоқда. Бироқ уларнинг ҳа-қиқий самараси фақатгина тўғри бошқарув, пухта ҳисоб-китоб ва давлат сиёсати билан уйғун ҳолда жорий этилгандагина намоён бўлади.

Инновацион технологиялар жорий эти-лиши ҳар доим икки томонлама жараён ҳи-собланади. Бир томондан, у юқори самара-дорлик ва янги имкониятларни тақдим этса, иккинчи томондан, нотўғри ёндашув ёки етарли тайёргарлик мавжуд эмаслиги ушбу имкониятларни тўлиқ рўёбга чиқаришга тўс-қиллик қилиши мумкин.

Шу нуқтани назардан, иссиқлик насосла-рига асосланган иссиқхоналарни жорий этиш масаласини фақат афзалликлар нуқтани на-

заридан эмас, балки мавжуд рисклар ва чек-ловлар билан биргаликда баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Аввало, энг асосий муаммолардан бири дастлабки инвестиция ҳажми нисбатан юқо-риликдир. Инновацион иситиш тизимлари, автоматлаштириш воситалари ва замонавий инфратузилмани яратиш анъанавий иссиқ-хоналарга қараганда кўпроқ сармоя талаб этади. Бу эса, айниқса, кичик ва ўрта фермер хўжаликлари учун муайян молиявий тўсиқ-ларни юзага келтириши мумкин. Шу боис, мазкур технологияларни омаллаштиришда давлат томонидан молиявий қўллаб-қувват-лаш механизмларининг самарадорлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Иккинчи муҳим жиҳат — энергия таъми-ноти барқарорлиги масаласидир. Иссиқлик насослари электр энергиясига боғлиқ бўлган сабабли электр таъминотидаги узилишлар бутун ишлаб чиқариш жараёнига салбий таъ-сир кўрсатиши мумкин. Агар анъанавий ти-зимларда ёқилгини захира қилиш имконияти мавжуд бўлса, электр энергиясида бундай им-коният чекланган. Шунинг учун мазкур тех-нологияларни жорий этишда захира электр манбалари, жумладан, қуёш панеллари ёки дизель генераторлар билан интеграциялаш масаласи алоҳида эътибор талаб қилади.

Мазкур технологияларнинг экспорт сало-ҳияти юқори баҳолашмоқда. Марказий Осиё давлатларининг иқлим шароити ўхшаш экани-ни ҳисобга олсак, энергия тежамкор иссиқхона ечимларига талаб минтақада ортиб боради.

Бу эса Ўзбекистон учун нафақат ички бозорни таъминлаш, балки юқори тех-нологик маҳсулотларни экспорт қи-лиш орқали қўшимча валюта тушум-ларини шакллантириш имконини беради.

Шу ўринда яна бир муҳим жи-ҳатга эътибор қаратиш лозим. Инновацион иссиқхоналарни ри-вожлантириш фақат иқтисодий самарадорлик эмас, балки стра-тегик хавфсизлик масаласидир. Озиқ-овқат мустақиллигини таъ-минлаш, ташқи бозорларга боғ-лиқлиқни камайтириш ва аҳолини барқарор равишда сифатли, арзон маҳсулотлар билан таъминлаш дав-лат сиёсатининг устувор вазифалари-дан бири. Иссиқлик насослари эса айнан шу вазифаларни амалга оширишда муҳим инструмент ҳисобланади.

Умуман олганда, инновацион иссиқхо-наларни жорий этиш юртимиз қишлоқ хў-жалигини ривожлантиришда янги босқични бошлаб бераётганини таъкидлаш ўринли. Бу жараён анъанавий усуллардан саноат ва тех-нологик ёндашувларга ўтишни аңглатади.

Шу билан бирга, мазкур трансформация-нинг муваффақияти фақат технологиянинг ўзига эмас, балки унинг қанчаллик тўғри ва тизимли жорий этилишига боғлиқ. Иссиқлик насосларига асосланган инно-вацион иссиқхоналар шунчаки янги техноло-гия эмас. Бу қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, энергия самарадорлигини ошириш, экологик барқарорлиқни таъминлаш ва экс-порт салоҳиятини кенгайтиришга хизмат қи-лувчи комплекс иқтисодий ечимдир. Унинг самараси эса фақатгина тўғри стратегия, пух-та ҳисоб-китоб ва давлат ҳамда хусусий сек-тор ўртасидаги самарали ҳамкорлик орқали тўлиқ намоён бўлади.

даги иссиқлик изоляцияси етарли даражада бўлмаса ёки ускуна қуввати нотўғри ҳисоб-ланган бўлса, қутилган натижага эришиш қийинлашади. Бундай ҳолларда энергия те-жашиш ўрнига, аксинча, қўшимча сарфлар юзага келиши мумкин.

Шу нуқтани назардан, энг хавфли сце-нарийлардан бири технологияни фрагмен-тар тарзда жорий этишдир. Яъни иссиқлик насослари ўрнатилади, лекин иссиқхона конструкцияси, автоматлаштириш тизими ва энергия бошқаруви комплекс тарзда янгилан-майди. Бундай ёндашувда тизимнинг умумий самарадорлиги кескин пасаяди ва технология ўзини оқламайди. Бу эса бозорда нотўғри та-саввурларни шакллантиради.

Демак, инновацион иссиқхоналарни жо-рий этишда энг муҳим талаб — комплекс ён-дашув. Яъни ускуна танлашдан тортиб, лойи-ҳалаш, қурилиш ва эксплуатациягача бўлган барча босқичлар ўзаро уйғун ҳолда амалга оширилиши лозим.

Шу билан бирга, мазкур жараёни кенг-роқ иқтисодий контекстда кўриб чиқиш му-ҳимдир. Инновацион иссиқхоналарни ри-вожлантириш нафақат алоҳида хўжаликлар самарадорлигини оширади, балки бутун тар-моқнинг саноатлашувида хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, янги қиймат занжирларини шакллантириш, қайта ишлаш саноатини ри-вожлантириш ва экспорт салоҳиятини оши-риш имконини беради.

Бу ерда локализация масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Илгари иссиқхона тех-нологиялари асосан хориждан импорт қили-нар, бу валюта чиқимлари орттириш ва таш-қи бозорларга боғлиқлиқни кучайишига олиб келарди. Бугунги кунда эса маҳаллий иш-лаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали ушбу муаммони бартараф этиш имконияти пайдо бўлмоқда.

“Технопарк” томонидан иссиқлик насос-лари ва иссиқхона учун зарур қатор компо-нентларни маҳаллийлаштириш бу йўналиш-даги муҳим қадам ҳисобланади. Бу нафақат маҳсулот таннархини пасайтириш, балки сервис хизматларини тезлаштириш ва тех-нологик мустакиллиқни таъминлаш имко-нини беради. Маҳаллий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши янги иш ўринларини яратиш, муҳандислик салоҳиятини ошириш ва ин-новацион экотизимни шакллантиришга ҳам хизмат қилади.

Мазкур технологияларнинг экспорт сало-ҳияти юқори баҳолашмоқда. Марказий Осиё давлатларининг иқлим шароити ўхшаш экани-ни ҳисобга олсак, энергия тежамкор иссиқхона ечимларига талаб минтақада ортиб боради.

Бу эса Ўзбекистон учун нафақат ички бозорни таъминлаш, балки юқори тех-нологик маҳсулотларни экспорт қи-лиш орқали қўшимча валюта тушум-ларини шакллантириш имконини беради.

Шу ўринда яна бир муҳим жи-ҳатга эътибор қаратиш лозим. Инновацион иссиқхоналарни ри-вожлантириш фақат иқтисодий самарадорлик эмас, балки стра-тегик хавфсизлик масаласидир. Озиқ-овқат мустақиллигини таъ-минлаш, ташқи бозорларга боғ-лиқлиқни камайтириш ва аҳолини барқарор равишда сифатли, арзон маҳсулотлар билан таъминлаш дав-лат сиёсатининг устувор вазифалари-дан бири. Иссиқлик насослари эса айнан шу вазифаларни амалга оширишда муҳим инструмент ҳисобланади.

Умуман олганда, инновацион иссиқхо-наларни жорий этиш юртимиз қишлоқ хў-жалигини ривожлантиришда янги босқични бошлаб бераётганини таъкидлаш ўринли. Бу жараён анъанавий усуллардан саноат ва тех-нологик ёндашувларга ўтишни аңглатади.

Шу билан бирга, мазкур трансформация-нинг муваффақияти фақат технологиянинг ўзига эмас, балки унинг қанчаллик тўғри ва тизимли жорий этилишига боғлиқ. Иссиқлик насосларига асосланган инно-вацион иссиқхоналар шунчаки янги техноло-гия эмас. Бу қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, энергия самарадорлигини ошириш, экологик барқарорлиқни таъминлаш ва экс-порт салоҳиятини кенгайтиришга хизмат қи-лувчи комплекс иқтисодий ечимдир. Унинг самараси эса фақатгина тўғри стратегия, пух-та ҳисоб-китоб ва давлат ҳамда хусусий сек-тор ўртасидаги самарали ҳамкорлик орқали тўлиқ намоён бўлади.



УШБУ МАҚОЛАНИ
КОРАКАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!

рининг назорати орқали исломий банкларда юзага келиши мумкин бўлган нотўғри ҳаракаатлар, турли молиявий хатарларда давлат ўртада туриб, кафолат бўлади.

Тадбиркорлар учун манфаатлими?

Қонун уч ой дан кейин расман кучга киради ва юртимиз тижорат банкларида бирин-кетин “исломий дарча”лар иш бошлайди. Ҳозир 10 дан ортиқ банк исломий молия хизматларини жорий этишга тайёргарлик кўрмоқда. Баъзиларида эса синов тариқасида “исломий дарча”лар очилиб, унинг функционалига қизиққан аҳоли ва тадбиркорларга тушунчалар бериб бориляпти.

Молиявий хизматларнинг мазкур турига, айниқса, бизнес эгалари катта қизиқиш билдирмоқда. Аммо аксариятимиз ислом молияси шариат қоидаларига асосланишинигина биламиз, бироқ бу айнан қандай талаб ва шартлар экани, қўлаш механизмлари борасида деярли тушунчага эга эмасмиз. Шу боис, ҳукумат томонидан қабул қилинган лойиҳа бошқарув режасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ислом молияси соҳасидаги саводхонлигини ошириш, исломий банк махсулотлари ва хизматлари моҳиятини тушунтиришга қаратилган кенг қамровли молиявий тарғибот ва ўқув дастурларини олиб бориш вазифалари белгиланган.

Унда мутахассислар аҳоли ва тадбиркорлар билан мулоқотлар довомида ислом банкчилиги ва инструментларининг амалиётда қўлланиш хусусиятлари ҳақида тушунча бермоқда. Ўзбекистон банклари ассоциациясида қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилаётган ўқув семинарларда ҳам ҳар гал юзлаб тадбиркорлар иштирок этиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб оляпти.

— Очиги, ислом молияси ҳақида эшитганман, аммо ҳеч қандай тушунчам йўқ. Шу боис, кўпроқ маълумот олишга қизиқаяман. Чўки тадбиркор бўлганим боис, молиявий хизматлардан кўп фойдаланаман ва бу борада доим қулай шартлардаги таклифларни излашга интиламан, — дейди Тошкат шаҳридаги “Ауксин” МЧЖ раҳбари Ўмаржон Очлов. — Ҳозирча ислом молияси ҳақидаги маълумотларни ўрганиб, таҳлил қилипман. Хўлослар барибир амалиётда фойдалана бошлаганимиздан кейин пайдо бўлади. Агар шартлари бизга қулай бўлса, албатта, ислом молия хизматларидан фойдаланаман. Бу ҳам молиявий хизматлар борасидаги танлов имкониятимизни оширади. Қолаверса, бошқа тижорат банкларида ҳам янги таклифларни шакллантиради. Масалан, охириги марта тижорат банкларини 18 фоиали имтиёз асосида 450 миллион сўм кредит олганман. Аслида, 24 фоз, лекин ўқиниш битирган ёшларни иш билан таъминлаганим учун имтиёзли фойзда берилган. Шу каби таклифлар ҳам тадбиркорларнинг қизиқтиради. Яқинда қўмирни қайта ишлаш бўйича янги лойиҳа бошлаш арафасидаман ва бунинг учун маблаг зарур. Ислом молия хизматлари очилгач, таклифлари маъқул келса, улардан ҳам фойдаланиш ниятим бор.

Ислом банклари ҳам, одатий тижорат банклари ҳам ўз талаблари доирасида таклиф беради, инсонлар эса ўзига маъқуллини танлайди. Бунда молия хизматларининг икки тури бир-бирига хавф сифатида шаклланмайди. Аксинча, одамларга бериладиган молиявий таклифларни оширади. Таклиф тури қанча кўп бўлса, хизматлар сифати шунча ортиб боради. Бу эркин бозор иқтисодиёти ва соғлом рақобат тамоиниларидан бири.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Кейинги вақтларда Ўзбекистонга ислом қоидаларига асосланган молия тизими кириб келгани ва уни амалиётда жорий этиш бошлангани ҳақидаги хабарлар юртдошларимиз орасида қизгин кутиб олинб, кенг муҳокама қилинаётгани боиси шунда. Кўпчилик бунинчадан буён кутаётганини айтса, баъзилар тўла ислом тамойилларига асосланган банкларнинг очилишига ишончсиз қарамоқда. Аммо барибир юртимизда исломий молия тизимини босқичма-босқич ривожлантиришга қаратилган саяё-ҳаракаатлар фаоллашгани одамларда алоҳида қизиқиш уйғотяпти.

Аслида, мамлакатимизда исломий молия тизимини жорий этиш ҳаракаатлари 2020 йилдан бошланган. Ўтган йиллардаги ўрганиш ва таҳлиллардан сўнггина аниқ амалий ишга ўтилмоқда. Энди мамлакатимизга ислом молия тизими нафақат кириб келди, балки амалиётда ташкил этиш ишлари бошлаб юборилган. Ҳатто, 2027 йилда юртимизда биринчи исломий банк очилиши кутилляпти. Айни пайтда эса қатор тижорат банклари ислом молия хизматларини кўрсатишга тайёргарлик кўрмоқда.

Биз учун нисбатан янги бўлган мазкур тизим жорий йил 27 март куни қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистонда исломий банк фаолиятини жорий қилишга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади. Унинг қабул қилиниши ислом молиясини ташкил этиш йўлида ташланган муҳим қадамлардан бўлиб, мамлакатимиз молия тизимида янги босқични бошлаб бериши айтилмоқда. Гап фақат кўплаб давлатлардаги каби юртимизда ҳам ислом молиясининг қўлланишида эмас, балки замонавий механизмларни ишга тушириш орқали аҳолининг банк-молия йўналишидаги хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада ошириш ҳамда танловини кенгайтириш ҳақида борапти.

Маълумотларга кўра, баъзи мамлакатларда одамлар диний ақидалари сабаб анъанавий тижорат банклари хизматларидан фойдаланмайди, молиявий олд-бердилардан узоқ юради. БМТ Тараққиёт дастури таҳлилларида келтирилишича, бундай омиллар Ўзбекистонда ҳам мавжуд. Хусусан, аҳолининг қарийб 68 фоизи ва тадбиркорларнинг 60 фоизи муайян сабабларга кўра анъанавий банк хизматларидан фойдаланмайди. Улар учун исломий банк хизматларининг таклиф этилиши бу бўшлиқни тўлдирishi мумкин. Қабул қилинган янги қонун айни эҳтиёжни таъминлаш баробарида мамлакатимизга йиллик 5 миллиард долларгача баҳоланаётган исломий капитални жалб этиш имкониятини очиши кутилмоқда.

Фойда нимадан олинади?

Исломий банкларни ташкил этиш ҳақида гап борганда, нега бу жараён юртимизда анча чўзилгани, аниқ вазифалар белгиланганидан

Бу муаммолар кечаги ёки бир-икки кунлик эмасди. Бунга анча йиллар бўлди. Ҳатто ҳудуд аҳолиси ўзгартирилган рўй беришидан умидини ҳам узганди. Боиси, Янгйобод маҳалласи Нишон тумани марказидан қирқ чақирим нарида, чегара ҳудудда жойлашгани. Шу сабаб кўпчилик бу жойни нафақат манзил жиҳатидан, балки эътибордан ҳам йироқда деб биларди. Аҳолининг мурожаатлари жавобсиз қоларди. Одамлар маҳаллага арз қилиб бораёй деса, идоранинг ҳолатини кўриб, жим қайтарди.

Биттагина хонадан иборат эски иморатда омонатгина ўтирган раис ҳам дардини кимга айтишни билмай, пол эди. Кишлоқ шифокорлик пунктини айтмайсизми? Яхшиям қачонлардир ҳўжалидан қолган эски вагон бор экан. Бўлмаса, кўчада қолишармиди? Шифокорларга раҳмат. Шу вагончада бир неча йиллар беморларни қабул қилишди. Имкон даражасида уларнинг дардига дармон бўлди. Лекин арз-доди маҳалладан нарига ўтмади. Ўтгани ҳам ҳеч бир самара бермади. Жимгина ишлашдан ўзга чора йўқ эди. Мабоодо, қоғоз-қалам қиладиган бўлса, калтак ўзларининг бошида синган. Тез ёрдам бўлими ходимлари эса харобча қиладиган амаллаб кун ўтказди. Айниқса, кўш-кировли кунларда уларнинг ҳолига маймулар йиғлаган бўлса, ажабмас. Биттагина печанинг ёнига текилиб, тонг оттириш осон дейсизми?

Бу ҳол салкам чорак аср давом этган. Шукрки, ислохотлар шамолли кейинги йилларда Янгйобод томонда ҳам эсди. Қисқа фурсатда бунёдкорлик ишлари бошланиб кетди. Аввало, маҳалла идораси жойлашган эски

кейин ҳам амалий ҳаракаатларга тезда ўтилгани кўпчилиكنи қизиқтиради. Иқтисодчи мутахассислардан бири билан суҳбат довомида шу масала ҳақида сўрадим. Айтишича, мазкур механизмин жорий этиш кўпчилик ўйлаганидек осон эмас. Ислом молияси ниҳоятда катта тизим ва уни амалиётда жорий этиш жиддий молиявий ҳаракаатлар, илмий асослар ҳамда аниқ ислохотларни талаб қилади. Ўзбекистон амалиётда ҳам бунга бирмунча вақт керак бўлгани боиси шунда. Ўтган давр мобайнида қатор давлатлар тажрибаси ўрганилиб, халқаро мутахассислар иштирокида таҳлил қилинган. Чет давлатларда кузатилган камчилик ва қийинчиликлар бизда ҳам таққорланмаслигига эътибор қаратилган. Ана шу жиҳатларни ўзида жамлаган қонун қабул қилинган, юртимизда исломий банк фаолиятини йўлга қўйишга расман киришилди.

Қонун доирасида Солиқ ва Фуқаролик кодекслари ҳамда яна 7 та қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Миллий қонунчиликка “исломий банк фаолияти”, “исломий молия операциялари” ва “инвестициявий омонат” каби муҳим тушунчалар қўшилди.

Қонунда келтирилган таърифта кўра, исломий банк фаолияти ислом ҳуқуқи (шариат) меъёрлари ва тамойиллари бўйича кўрсатиладиган банк хизматлари бўлиб, унда даромад “пул эвазига пул” эмас, балки реал активлар (савдо, лизинг; фойда ва таваккалчиликни тақсимлаш билан ҳамкорлик)дан келиб чиқади. Унда фозилар, ҳаддан ташқари ноаниқлик, қимор, молиялаштириш, қарзни чегирма билан сотиш ва сотиб олиш, жарималарни



монетизация қилиш тўғридан тўғри тақиқланади. Ҳўш, у ҳолда банклар ислом молиясидан қандай фойда кўради?

— Ислом банкчилигида молиявий операцияларнинг бир қанча турлари бор ва уларнинг ҳар бири фойда олишининг турли йўналишларини назарда тутаяди, — дейди “Мезон” таълим компанияси директори Мухторжон Акрамов. — Масалан, муробаха, яъни олдиндан тўлов асосида молиялаштиришни олайлик. Бунда реал молия билан ишланади. Айтилган тадбиркорга иш фаолияти учун бирор техника зарур. Исломий банк ана шу техникани сотиб олиб беради ва унга ўзининг харажат ёки фойдасини қўйган ҳолда



тадбиркорга сотади. Масалан, 100 миллион сўмга техника олса, уни 125 миллион сўмга беради. Бунда 25 миллион сўм исломий банкнинг фойдаси ва бу сумма токи қарз узилмагунига қадар ўзгармайди. Келишув асосида тўлов муддати белгиланади ва тадбиркор техника учун кўрсатилган суммани ўша давр ичида ойма-ой тўлаб беради. Бу ерда ҳеч қандай қўшимча устама, йиллик фойз бўлмайди.

Қонунга кўра, банклар 6 турдаги исломий молиявий операцияларни амалга ошириши кўзда тутиляпти. Бу операцияларга фойдани тақсимлаш шарти асосида мижозни молиялаштириш ёки пул маблағларини инвестициявий омонатларга жалб этиш (музораба), вакиллик шартномаси орқали пул маблағларини бериш ёки инвестициявий омонатларга жалб этиш (вакала), товарни насияга сотиш орқали мижозни молиялаштириш (салом), биргаликдаги фаолиятни (шерикчилик) амалга ошириш ёки юридик шахсларнинг устав капиталда иштирок этиш орқали мижозни молиялаштириш (мушорақа) ҳамда мол-мулкни кейинчалик сотиб олиш ҳуқуқи билан ижара (лизинг)га бериш киради.

Мазкур молиявий операцияларни қонунда белгиланган тартибда ташкил этилган ва Марказий банк томонидан бериладиган тегишли лицензияга эга юридик шахслар амалга оширишга ҳақлидир. Яъни қонун билан исломий банк фаолияти учун алоҳида лицензия жорий этилмоқда. Бунда асосан иккита модель назарда тутилган. Биринчиси, мутлақо янгидан ташкил этиладиган

ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАГА КИРАЁТГАН МАҲАЛЛА

бино тўлиқ таъмирланди. “Еттилик”нинг ҳар бири алоҳида, шинам хоналарга жойлаштирилиб, бўш қолган бошқа хоналарга тиббиёт пункти шифокорлари учун шариот яратилди. Беморларни қабул қилиш учун тиббий жиҳозлар келтирилди.

— Ўзгаришларга бунчалик тез қўл урилади деб ўйламагандик, — дейди “Янгиобод” МФ раиси Баҳром Жўраев. — Рости, шу яқин икки-уч йилгача ҳар томонлама жуда орқада эдик. Аҳолини иш билан таъминлаш, ҳудуд ободлиги борасида ҳам деярли бирор ўзгариш бўлмаган. Мисол учун, туман марказига бориш учун камиди 42 километр йўл босишимиз керак. Биргина тиббий муолажа учун боришга камиди бир соатдан кўп вақт кетяди. Йўлларимиз анча абгор аҳволдалиги мушкулимизни янада кўпайтирарди. Бемор баттар касал бўларди. Кишлоқ врачлик пунктимиз бор дея олмасдик. Шу муаммолар боис, оғир тоифадаги маҳалларар рўйхатига киритилганди. Энди бундан чиқиш учун астойдил иш бошланган. Йўлларимиз яхшиланиб, маҳалламизда обод кўча, обод хонадонлар кўпаймоқда. Одамларнинг яшаш тарзи ҳам яхшиланыпти.

Ҳудуд ободликка юз тутаётганини англаш қийин эмас. Масалан, яқин йилларгача бу манзилга келадиган катта йўлнинг аҳоли мактанлари эмасди. Айни кунларда таъмирланётганига гувоҳ бўлдик. Бундан ташқари, маҳаллада ишсизлик икки-уч йил олдин 13-14 фоз атрофида бўлган бўлса, бутун 5-6 фозига тушган. Бунини, аввало, аҳолига ўз-ўзини банд қилиш учун ажратилаётган имтиёзли кредитлар мақсадли сарфланаётганида, одамлар томорқадан унумли фойдалана бошлаганида кўриш мумкин. Қувонарлиси, иш ўринлари ерининг ўзида ташкил этилётёр.

— Яқиндагина маҳаллага ёндош бинода етакчи тадбиркорларимиздан бирининг ташаббуси билан тикувчилик цехи ишга тушди, — дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси



Камбағалликдан фаровонлик сари

Акмал Шойимов. — Цехнинг ўзида ўқув курси очилди, ишга талабгорлар ўқитилди. Ҳозир ўттиздан ортиқ хотин-қиз ишга қабул қилинган. Асосан тиббиёт ходимлари учун махсус кийим тикишди. Олис ҳудуд бўлгани боис, яқин манзилда ишлаб чиқариш корхоналари бўлмаган. Тикув цехида, биринчи навбатда, кам таъминланган оила вакиллари банд қилишга эътибор қаратилди.

Мазкур кичик корхонанинг очилиши аёллар учун анча қулайлик туғдирди. Улар иш ўрнига эга бўлди, ишга қатнаш учун бирор техникадан фойдаланишга эҳтиёж йўқ.

— Турмуш ўртоғим биринчи гуруҳ ногирони. Фарзандларим ҳали ёш. Фақатгина

эримнинг нафақасига бир амаллаб кун кўрардик, — дейди Гулноза Аллабердиева. — Бу ерга ишга таклиф этилгани яхши бўлди. Тикувчилик тажрибам борлиги учун дарҳол кишини бошлаб юбордим. Эндиликда ойлик олиб, рўзгорга нафим тегадиган бўлди. Турмушимиз яхшиланади. Ўзи анча йиллардан буён бирор корхонада ишлашни орзу қилардим. Афсуски, шу вақтга қадар бунинг илоҳи бўлмади. Ойлада етишимчилик бўлиб қолган кезлар сабрли бўлишга ҳаракат қилдим. Бутун ишиман, муаммоларимиз ҳам камайди.

Акмал Шойимовнинг таъкидлашича, маҳалла драйвери илгари чорвачилик

бўлган. Ҳозир қурутчилик ҳам кенг оммалашмоқда. Хусусан, шу йўналишда ўттиздан ортиқ хонадон машғул. Бугун маҳаллада деярли бекор ўтирган уй бекасини учратиш мушкул.

— Илгари биттагина сигиримиз бўларди. Шунинг сунни қатиқ қилиб, рўзгордан ортиқганимизни қурут қилардик. Аммо сотиш учун эмас, шаҳардаги қариндошлар учун эди, — дейди Хурсаной момо Ўшқулова. — Икки йилдан буён қурут тайёрлаб, сотадиган бўлдик. Ҳозир уч келимиз, ўзим уйда ўтириб, қурут қиламиз. Ўғилларим кишлоқ бозорларидан қатиқ сотиб олиб келади. Тайёр махсулотимизни харидорларга

етказиб беради. Оилавий бандмиз, даромадимиз яхши. Мухими, бекор ўтирганимиз йўқ. Меҳнати оғир эмас. Алоҳида сўрилар қилиб олганмиз. Офтобда қуришиб, идишларга жойлаймиз. Бир ойда бир тоннагача қурут чиқаряпмиз.

Шаҳзод Норментлиев ҳам бутун қурутчиликдан юқори даромад олмакда. Маҳалладаги 10 хотин-қизни ишга олиб, ойига 4 тоннагача қурут тайёрлаб сотади.

— Атрофимиздаги кишлоқларда аҳоли асосан чорвачилик билан шуғулланади. Ҳар куни деярли барча хонадонда сигир соғилади. Қатгини бозорга олиб чиқинди, — дейди Шаҳзод Норментлиев. — Шу пайтга қадар хаёлимизга келмаган экан. Излаган киши имкон топар. Ҳозир бозорга қатиқ олиб бурганлар билан келишиб, сотиб оляпти. Ундан қурут тайёрлаб, килосини 80-90 минг сўмдан сотамиз. Талаб юқорилигидан гоҳида улгуролмай қоламиз ҳам. Ишчиларимиз қўли-қўлига тегмай меҳнат қилади. Харидорлар нафақат вилотимиздан, балки водийдан, Самарқанд, Жиззах, ҳаттоки Хоразмдан ҳам бор. Энг аввало, махсулотимиз сифатига эътибор қаратганмиз. Шу сабаб доим бозоримиз чаққон.

Бошида “маҳалла еттилиги” ёрдами билан имтиёзли кредит олганди. Шунинг эвазига иш ўринлари ташкил қилдик. Келгусида тармоғимизни янада кенгайтириб, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ниятимиз бор. Шу вақтга қадар юқларимизни ташига қийналоб келардик. Жорий йил бошида ёшлар етакчиси ташаббуси билан маҳалламизга имтиёзли кредит асосида 14 дона “Дамас лабо” машинаси берилди. Бу эса ишимизни анча осонлаштирди. Эндиликда юқларимиз бемалол тарқатилляпти. Натияжада маҳалламизнинг 14 нафар ёш ўз-ўзини банд қилди.

Илгари оғир тоифага киритилган Янгйобод бутун бутунлай янги қиёфасга кирмоқда. Аҳолининг турмуш тарзи яхшиланиб, ҳаётдан розилиги ортомоқда. Сирасини айтганда, аҳоли мақсад сари дадил одимламоқда.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

G'ALABA BOG'I

Ғаройиб суҳбатдош

МАТОНАТ, САДОҚАТ ВА ҚАДР ТИМСОЛИ

Бугун юртимизда қаҳрамон аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти, мардлигига матонатини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни уларнинг шонли анъаналари руҳида тарбиялашга қаратилган хайрли ишларга гувоҳ бўлялмиз, озми-кўми ўзимиз ҳам жараёнда иштирок этаймиз. Пойтахтимизда бунёд этилган Ғалаба боғи, ҳудудлардаги “Ватанпарвар” мажмуалари каби табаррук масканлар қисқа муддатда халқимиз ва чет эллик меҳмонлар учун қутлуғ зиёратгоҳларга айланди.

Дарвоқе, Ғалаба боғи... Тез-тез ушбу манзил томон йўлни тушади. Мажмуанинг бунёд бўлиши, такомиллаштириш ва тўлақонли касб этиши ҳў олдида кечди. Бу ерга ҳар куни турли ёшдаги одамлар, навқирон авлод вакиллари, ҳарбийлар ташир-риф буюради. 9 май — Хотира ва қадрлаш куни қинилашгани сайин сўлим масканга борсим, ҒАЛАБА БОҒИ билан ҳаёлан суҳбатлашим келаверди.

— Мазкур санани кўтаринки шуқуқ билан байрам қилсак-да, аммо тарихнинг машъум қушлари хотираларимизда чарх ураверади. Ғалабага элтувчи йўлнинг даҳшати, йўқотишлари қалбларимизни қанчалар эзиб, азоб берса, халқимизнинг бир мақсад йўлида жипслашиб кўрсатган матонатини унуттишга шунчалар ҳаққимиз йўқ эканини ҳис қилаверамиз.

— Хотира ва қадрлаш куни бошқача байрам. Уруш кўрган одамлар учун қадрдон оиласи ва халқи ардоғида бўлиш, юртга керакли эканини ҳис этиш уларни яшашга ундайверади. Меҳр-эътибор, бир оғиз ширин сўзга муштоқ кексалар учун бундан ортиқ хурсандлик йўқ, аслида. Сана муносабати билан ташкил этиладиган давомли тадбирлар эса фахрийларни беҳад мамнун этади. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган эътибор ва рағбатнинг чек-чегараси йўқ.

Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган ва ўша машаққатли даврда фронт ортида оғир ҳамда ҳалол меҳнати билан метин матонатини намойиш этган ота-болаларимиз бизга ҳаётнинг оддий, аммо пурҳикмат бир ҳақиқатини англатиб, ҳамisha бундай дуо қилади: “Уруш бўлмасин! Урушни биз кўрдик, кейинги авлод вакиллари кўрмасин, илоҳим”.

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан бунёд этилдим. Ғалаба боғи мажмуаси ана шу ўзбекона фалсафа, таъбир жоиз бўлса, халқона сиёсатнинг амалдаги ёрқин натижасидир. Бундай бунёдкорона ёндашув янги Ўзбекистоннинг шиддатли ислохотларига хос муҳим хусусият ҳамдир.

— Билсанг, 2010-йиллардан кейин бу ер одамлар нигоҳидан пана ҳудудга айланиб қолган, туман ҳокимлиги биноси ҳам кўздан анча нарида жойлашганди. Катта йўлдан ўтаётиб, ичкарироқда маъмурий бино борлигини биров билар, биров билмас даражада кўримсиз жой сифатида ёдимизда қолган.

— Мен бунёд этилиб, эшикларим пойтахтликлар ва меҳмонлар учун кенг очилганига 6 йил тўлди. Ғалаба боғи деган номим ўз моҳияти билан халқимизнинг уруш йилларида кўрсатган мардлик ва матонати, юксак инсоний фазилатлари, қаҳрамон аждодлар номлари, шонли анъана ва қадрликлари абадийлаштириш, Ўзбекис-



мураккаб композициялардан тортиб, ҳатто тархдаги кичик деталларгача Президент Шавкат Мирзиёевнинг синчков нигоҳи билан бойитилди.

Натижада ўша суронли йиллар манзарасини очиб беришга хизмат қилувчи ҳолат ва жараёнларни ёрқин акс эттирадиган ўзи-

жанлардаги мардлигини, фронт ортидаги машаққатли меҳнати ва фидойилигини акс эттиришга бағишланган кенг кўламли тарихий-бадий экспозициялар яратилди.

Ана шундай эзгу ишларнинг давом сифатида ўтган йили бағрим яна бир мажмуа билан бойиди: ҳудудда она юрт қалқонлари шарафига “Миллат фидойилари” мажмуаси барпо этилди. Ёдгорлик мустақиллик йилларида юрт ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари хотирасига бағишланди. Сана арафасида Ғалаба боғига Президент Шавкат Мирзиёев ташир буюрди. Шу ерда марҳум ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан учрашди, уларга чуқур ҳурматини билдирди.

“Ишончим комил, юзлаб марҳум баҳодир ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг номлари зарҳал ҳарфлар билан муҳрлаб қўйилган ушбу муҳташам бадий обиди эл-юртимиз чин дилдан интиладиган ва фахрланадиган яна бир мўътабар маскан бўлиб қолади...”

Ҳар йили бу ерга келиб, Иккинчи жаҳон урушидаги йўқотишларни эслаймиз. Энди мустақиллик фидойиларига бағишланган ушбу мажмуани ташкил қилганимиз хайрли иш бўлди. Чунки улар ҳам миллий қаҳрамонларимиз. Шу жиҳатдан, бу майдоннинг маънавий аҳамияти катта. Бу ҳам ўзликини англаш, бу ҳам инсон қадрини, деди давлатимиз раҳбари.

Юқоридан қараганда мажмуа Ўзбекистон байроғидидаги ярим ой ва ўн икки юлдуз шаклида намоён бўлади. Қарийб икки метрли юлдузларнинг қирралари биткитош вазифасини ҳам ўтайди. Уларнинг ён тарафларига 196 нафар қаҳрамон номи зарҳал ҳарфлар билан ёзилган. Бу биткилар ёнига мониторлар ўрнатилган бўлиб, миллат фидойилари тўғрисида маълумотлар фото ва видеолар орқали намойиш этиб борилади.

— Сен билан илк бор танишган пайтларим шуурумда сезиларли ўзгаришларни ҳис қилганман. Тафаккурим янги маълумотлар билан бойиган эди. Яъни ким ва қайси ёшда бўлмасин, сенинг ҳузуригдан тарих лаҳзалари, уруш манзаралари, Иккинчи жаҳон уруши ҳақиқатларидан етарли даражада воқиф бўлади...

— Мен қизиқиб кўрдим: дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатидан менга ўхшаш боғ ва музейлар ташкил этилган. Аммо янги Ўзбекистоннинг Ғалаба боғи Россия, Беларусь, Украина, Австрия, Польша,

АҚШ, Исроил каби бошқа бир қанча давлатлардаги улкан мемориал комплексларга мутлақо ўхшамайди. Асосий фарқи жанглар шукки, хорижий мамлакатларнинг бирортасидаги мемориал мажмуада ўзбек халқининг Иккинчи жаҳон уруши жанг-гоҳларидаги жасорати ва фронт ортидаги матонати Тошкентда яхлит мажмуа тарзида бунёд этилган Ғалаба боғидаги сингари кенг кўламда, ҳаққоний ва адолатли равишда кўрсатиб берилмаган.

Бу Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган неча минглаб юртдошлар хотирасини ёд этиш, оловли жанглардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, машаққатли дамлларда ҳам ўзлигини асло йўқотмаган, иймоним бутун юртдошларимизга ҳурмат-эҳтиром ва эъзоз кўрсатиш Ўзбекистонда олий даражадаги миллий қадриятга ва давлат сиёсатига айланганининг ўзига хос ифодасидир.

Ўзбекистон халқи Иккинчи жаҳон урушида буюк ғалабани таъминлашга, ҳеч шубҳасиз, улкан ҳисса қўшган. Фашизмга қарши қонли жангларда ўша пайтда 6 миллион 800 минггача ташкил этган аҳолимизнинг қарийб 2 миллион нафари иштирок этган. Шундан 540 мингга яқини ҳалок бўлган, 158 минг нафари бедарак йўқолган, 50 мингдан ортиги концлагерларда мислсиз қийноқ ва азоблар туфайли ҳалок бўлган, 60 мингдан зиёди ногирон бўлиб қайтган. Ўзбекистонлик аскар ва офицерлардан 214 мингга яқини жанговар ордон ва медаллар билан мукофотлангани уларнинг жасоратидан далолат беради.

Бокқа кириладиган асосий йўлнинг икки четидан 10 та барельеф, яъни деворча ишланган бўртма нақшлар жой олган. Бу нақшлар ўзбек халқининг 1941-1945 йиллардаги уруш давридаги жасоратли ва матонатли ҳаёти ҳақида битилган ўзига хос ноёб китобга ўхшайди. Унинг ҳар бир нақшшор саҳифаси ҳаяжонли тасвирларга бой.

Ёдгорлик мажмуасининг “Уруш” ҳудуди қисми ҳимоя хандақлари (окоп, траншеялар), жанговар техника, қақшатқич отишмаларни акс эттирадиган турли тасвирлардан иборат. Уруш қиёфаси танклар, танкларга қарши махсус металл қурилмалар, парвозида ва кулаб тушган самолётлар тизмоларида гавдалантирилган. Айниқса, ҳимоя хандақларининг учта танк остида қолган қисмидан ўтаётганда ҳар қандай инсон бу “темир сандиқ”лар остида мажар бўлиш таҳдидини ич-ичидан ҳис этади ва урушнинг нақадар даҳшатли эканини яққол тасаввур қилади.

Иккинчи жаҳон урушининг ўта даҳшатли дамлларини кўрсатиб бериш учун “Концлагерь” ёдгорлиги бунёд этилган. Унда 1942 йили Смоленскдаги қақшатқич жангларда мардларча курашган ва асирга олиниб, фашистларнинг Нидерландиядаги “Амерсфорт” концлагерига ташланган 101 нафар ўзбек жангчисининг фожиали қисмати ҳақида ҳикоя қилинади.

“Шон-шараф” давлат музейига кириш йўлида, икки томондаги деворларда ҳам ранг-баранг барельефлар жойлаштирилган. Уларда Иккинчи жаҳон уруши саҳифалари тасвирланган. Жумладан, “Кузатиш”, “Уруш”, “Фронт ортида” барельефлари музейга кириш йўлининг чап томонида жойлашган. Узунлиги 44 метрли ушбу

асарда навқирон ўғлонларини урушга кузатаётган ота-оналар, ўзбекистонликларнинг фронт ортидаги машаққатли меҳнати ва Ғалабага қўшган улкан ҳиссаси ўз аксини топган.

— Апрель ойи ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёевга ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, резерв ва захирадаги офицерлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик қўриш юзасидан ахборот берилди. Демак, санага бу йил ҳам тайёргарлик қизғин...

— Шундай. Ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида нишонланиши Ўзбекистонда тинчликни асраш, мустақиллини мустаҳкамлаш, Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлганлар хотирасини ёд этиш, бугун орамизда соғ-омон яшаётган уруш ва меҳнат фахрийларига ғамхўрлик кўрсатишнинг ёрқин амалий ифодасидир.

Жорий йилда байрам муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларнинг ҳар бирига бир мар-тали пул мукофоти берилади. Шунингдек, бу кунда уруш қатнашчилари, фронт орти меҳнат фахрийлари, кексалар ва устозларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, ёлғиз ва кам таъминланган фахрийларнинг турар жойларини ободонлаштириш, турли хотира ва қадрлаш тадбирлари ташкил этилади.

Эътиборга молик томони, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган Ватан фидойиларининг хотираси ҳам улуғланади. Уларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади. Она Ватан тинчлиги, халқимиз осийишталиги йўлида жон фидо қилган ҳарбий хизматчилар мардлиги ва жасоратини тарғиб қилишга қаратилган маънавий-ватанпарварлик тадбирлари ўтказилади. Мамлакат бўйлаб “Буру, жасорат, матонат!” шiori остида маданий-маърифий тадбирлар, уч авлод учрашувлари, ижодий кечалар, танловлар ва оммавий спорт мусобақалари ташкил этилади.

Хотира ва қадрлаш тушунчалари тобора долзарб бўлиб бораётганининг яна бир сабаби шундаки, инсонга меҳр кўрсатиш, уни улуғлаш, қадрлаш каби аъмоллар бизни глобаллашгаётган ва тез ўзгариб бораётган мураккаб даврнинг турли таҳдидларига нисбатан сезгир ва ҳушёр бўлишга, кечаги кун жароҳатларидан сабоқ чиқаришга ундайди. Бу борада, айниқса, буюк келажак эгалари бўлиш навқирон авлод зиммасидаги масъулият ниҳоятда каттадир.

Инсон хотиралар билан яшайди. Кечаги куннинг машаққатларини эслаб, оғир дамлари бугунги фараҳбахш ҳаёт билан муқояса қилсак, ҳар биримиз эзгулик, яхшиликни улуғлашга кўпроқ интилишимиз табиий. Бундан олти йил аввал пойтахтимизда барпо этилган “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси бу ҳақиқатни бизга ёрқин эслатиб турибди.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компютер марказида саҳифаланган.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-546.
30570 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Одсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусахҳис: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 02:05 Топширилди — 02:05

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ
УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

